

Фракция йиғилиши



ФАРМАЦЕВТИКА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида фармацевтика фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.


Илмий-амалий конференция

“Адолат” социал-демократик партияси ва Наманган давлат университети ҳамкорлигида “Глобал билим майдонида Янги Ўзбекистон ёшларининг муносиб иштирокини таъминлашда STEAM таълимнинг аҳамияти” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Кўтарилган мавзу илм-фан ва амалий инновацияларни уйғунлаштириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш масалаларига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ЗАМОНДАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЯНГИ ЯНДАШУВ



ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ ТИЗИМИ — ТИББИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ




Конституциявий суд томонидан ҳар йили мамлакатда конституциявий қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича тақдим этиб бориладиган таклиф ва тавсияларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлиги оширилади.

Бунда Конституциявий суд томонидан фуқаро ва тадбиркорларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиб-таомиллари мақбуллаштирилади, сансалорликлар бартараф этилади.


Шунингдек, “конституциявий шикоят” институти самарадорлигини ошириш ва мурожаат этувчиларнинг суд ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд ишида қўлланилган қонун Конституцияга мувофиқ эмас деб топилган тақдирда тегишли суд ҳужжатини қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш таклиф қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 17 декабрь куни фуқаро ва тадбиркорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, Конституциявий суд фаолиятини рақамлаштириш масалаларига оид тақдиротидан

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛИДА:



Сенат кўмаги ва ҳудудий тажриба аламини



АСҚАД МУХТОР МАВТАБИ

“ОБУНА — 2026”

Қадрли юртдошлар! 2026 йил учун обуна давом этмоқда. “ADOLAT”га обуна бўлишингизга ишонамиз.

OBUNA BO'LING

Обуна индекси — 100

Ўзбекистон — Япония



НАРАДАГИ СЎҒД ЁЗУВИ ВА ЯПОН ГАНЧКОРЛАРИ



ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЯНГИ ЧА ЁНДАШУВ

**Муҳиддин ОМАД,
Наманган вилоят
кенгаши
матбуот котиби**

1 Конференцияда республика-мизда фаолият юритаётган олий таълим соҳаси вакиллари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, партия фаоллари, ёш олимлар ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан "Адолат" СДП Сийёсий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоилов ҳамда университет ректори Абдуғаффор Қирғизбоев партия ва университет ўртасидаги ҳамкорлик таълими модернизация қилиш, замонавий педагогик ёндашувларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Шунингдек, STEAM таълимига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани қайд этилди.

Конференциянинг пленар мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Жиззах, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларидаги олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари маъруза билан иштирок этиб, масаланинг туб моҳияти, STEAM таълимининг миллий тараққиётдаги ўрни, уни амалиётга тулик жорий қилишдаги муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

Дарҳақиқат, сўнгги 8 йилда мамлакатимизда таълим ва илм-фан соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим муассасалари сони ортди, қабул квоталари кенгайди, илмий тадқиқотларга ажратилаётган грантлар ҳажми сезиларли даражада ошди. Энг муҳими, таълим



давлат университети профессори, Ўзбекистон Қаҳрамони Муҳаббат Шарипова "Замонавий STEAM таълимида математик моделлаштиришнинг аҳамияти" мавзусида сўзга чиқиб, математик фикрлаш, моделлаштириш ва таҳлил қилиш кўникмалари инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Фарғона давлат университети профессори Набижон Темиров эса "STEAM технологиясининг таълим сифатини оширишдаги аҳамияти" мавзусида фикр юритиб, STEAM ёндашуви ўқувчиларда муаммолни вазиятларга ечим топиш қобилиятини шакллантиришини илмий асослар билан очиб берди.

Анжуманда бошқа олим ва мутахассислар ҳам STEAM таълими, педагогик инновациялар, таълимда рақамли технологиялар, муҳандислик ва ижодий фанларни интеграция қилиш масалалари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Айни пайтда конференцияга юртимизнинг турли ҳудудларидан 300 га яқин илмий мақола келиб тушгани таъкидланди. Физика-техника фанлари,

биоминженерия, IT, санъат таълими, математик моделлаштириш, педагогика ва психология каби йўналишларни қамраб олган ушбу мақолалар мамлакатимизда STEAM таълимига бўлган қизиқиш юқори эканидан далолат беради.

Шундан сўнг иштирокчилар Наманган шаҳридаги "STEAM PLAZA" нодавлат таълим муассасаси фаолияти билан танишишди.

Муассаса таниқли тадбиркор, I даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби Мадина Мўминова таъсисчилигида ташкил этилган бўлиб, ёшларга илм-фан, технология, муҳандислик ва математика фанларини уйғунлаштирган ҳолда замонавий билим бериши билан ажралиб туради. Асосийси, ўқувчиларга ўзлаштирилган билимни амалиётга қўллаш олиши, компьютер технологияларидан унумли фойдаланиш, ҳам жамоавий, ҳам мустақил ташаббусларни илгари суриш асосида ўргатиб борилади. Ўқув дастурлари STEAM асосида шакллантирилган, болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инновацион методика ишлаб чиқилган.

Иштирокчиларга замонавий лаборатория, робототехника, муҳандислик ва дастурлаштириш бўйича ўқув муҳити, инновацион таълим усуллари намойиш этилди. Бу эса анжуман мавзусининг амалий мазмун билан бойитилишига хизмат қилди. Бугунги кунда ўқув маркази 500 нафарга яқин ўқувчини бағрига олган. Болалар икки ёшдан қабул қилинади, машғулотлар рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Конференция иштирокчилари ўқув жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлишди. Хусусан, технология дарсида Шавкатжон Ривожиддинов раҳбарлигидаги 4-синф ўқувчилари "Оққуш" роботини намойиш этишди. Биология дарсида эса Феруза Иминова Чарлз Дарвиннинг эволюцион таълимоти ҳамда Альфред Нобел томонидан динамит ихтиро қилиниши воқеаларини болалар онгига мос, қизиқарли шаклда тушунтириб берди.

– STEAM алоҳида фан ёки йўналиш эмас, балки замонавий таълим тизимининг асосий ядросидир, – дейди муассаса таъсисчиси Мадинахон Мўминова. – У болада нафақат билим, балки ташаббускорлик, ижодкорлик ва масъулиятни ҳам шакллантиради. Энг муҳими, STEAM таълими ҳар бир боланинг иқтидорини, салоҳиятини очишга хизмат қилади.

Таълимга замонавий ёндашув "Адолат" социал-демократик партиясининг ғоя ва мақсадларига ҳам уйғун. Яъни, фарқларни чуқурлаштириш эмас, балки тенг имкониятлар орқали ҳар бир болага ўз иқтидорини рўйбга чиқариш воситаси сифатида қаралади.

Конференция якунида иштирокчилар томонидан бир қатор амалий тақлифлар илгари сурилди. Анжуман ўз ишини илмий ғоялар алмашиш, амалий тақлифлар ишлаб чиқиш ва келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш руҳида якунлади.



ФАРМАЦЕВТИКА ФАОПИЯТИ ТАКОМИПЛАШТИРИМҚДА

**Шерзодхон ИСЛАМОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети талабаси**

1 Қайд этилганидек, мамлакатимизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, юқори талабга эга бўлган дори воситалари ва табибий буюмларни маҳаллийлаштириш, янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда аҳолини сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги тартибда буюртма асосида ишлаб чиқариладиган дори воситаларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасининг айнан буюртмани бажарувчи ташкилотга берилиши технологиялар трансферини чекламоқда. Қонун лойиҳасида мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида "технологиялар трансфери" тушунчаси киритилмоқда. Яъни, дори воситаларини ва табибий жиҳозларни ишлаб чиқариш технологик жараёнларини бир фармацевтика ташкилотидан бошқа фармацевтика ташкилотининг ишлаб чиқариш майдонига кўчириш амалиётини жорий этиш тақлиф этилмоқда.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан саволлар ва тақлифларини билдирди. Жумладан, фракция аъзоси Манзура Салимова "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасига киритилаётган қўшимчалар юзасидан фикр билдирди. Унга қўра, агар Давлат фармакопеяси талаблари билан бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ўртасида зиддият юзага келса, сифат кўрсаткичлари ва уларни синовдан ўтказиш усулларида доир масалаларда Давлат фармакопеяси талаблари устувор бўлади.

Депутат "Мазкур ҳолат амалиётда муайян эътирозларга сабаб бўлмайдими?" деган саволни қўтарди.

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари бу бўйича аτροφлича тушунтириш бериб ўтти.

Йигилишда фракция аъзолари қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда, кун тартибидagi бошқа масалаларни ҳам аτροφлича қўриб чиқишди.

Муаммо билан юзма-юз

ФАОПИЯТ САМАРАЛИ КЕЧМОҚДА

"Адолат" социал-демократик партияси ўз фаолиятида аҳоли дардини эшитиш, муаммоларни бевосита жойига чиқиб ўрганиш ва соҳалардаги камчиликларни аниқлаб, тегишли идоралар билан ҳамкорликда ечим топишни устувор вазифа сифатида белгилаб олган. Шу мақсадда амалга оширилаётган "Муаммо билан юзма-юз" лойиҳаси ҳудудларда амалиётга жорий қилинмоқда.

Хусусан, Термиз туманидаги "Янгиҳаёт" маҳалласида жойлашган 1-сон умумтаълим мактабида қиш мавсуми қандай ўтаётгани ўрганилди. Ўрганиш давомида мактабнинг иситиш тизими, синфхоналардаги ҳарорат, болалар хавфсизлиги ва санитар ҳолат каби муҳим йўналишлар партия фаоллари томонидан аτροφлича кўздан кечирилди.

Мактаб маъмурияти вакиллари айтишича, мавсум бошланишидан олдин барча иситиш ускуналари профилактикадан ўтказилган, эҳтиёт қисмлар алмаштирилган ва қўшимча хавфсизлик чоралари ишлаб чиқилган.

Шу каби ўрганиш Музаброт туманидаги 3-сон умумтаълим мактабида ҳам амалга оширилди.

Шўрчи тумани "Ойнақўл" маҳалласида аҳолига газ баллонларининг ўз вақтида етказилиши бўйича ўрганишлар ўтказилди. Маҳалла аҳолиси баъзан кечикишлар кузатилаётганини, айрим хонадонларга таъминот белгиланган кундан кечроқ келаётганини билдирган.

Партия фаоллари масъул хизмат ташкилотлари билан суҳбатлашиб, мавжуд камчиликлар, техник муаммолар ва логистикадаги кечикиш сабабларини ўрганди. Газ таъминоти ходимлари таъкидлашча, айни пайтда янги графикалар ишлаб чиқилмоқда ва хизматни тезкорлаштириш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Ангор тумани "Чинобод" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ўрганишларда бир қатор мурожаатлар тингланди. Фуқаро Дилноза Давронова қиш мавсуми учун кўмир ажратилишини сўраб мурожаат қилди. Бу муаммо тезкор ҳал қилиниши белгиланди.

Фуқаро Ўғиллой Ўқтамова болалар нафақаси билан боғлиқ муаммо юзасидан мурожаат қилди. Ишчи гуруҳи ушбу масалани назоратга олиб, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни бўйича фуқарога тушунтириш берди. Бандихон туманидаги ўрганишларда эса "Фаровон" маҳалласидаги Гулмира Максимованинг оилавий муаммоси партия томонидан жойига қилинган ҳолда ўрганилди. Унинг айтишича, ноҳақ айбовлар ва маиший зўравонликка дуч келган. Маҳалла фаоллари, партия вакиллари ва тегишли мутасаддиларнинг аҳолини ўрганиб, ҳуқуқий ҳимоя чораларини белгилади, ҳимоя ордери олиш бўйича маслаҳат берилди.

Шунингдек, Шўрчи туманининг "Ойнақўл" маҳалласида фуқаролар газ баллонлари масаласи билан боғлиқ муаммо юзасидан аввалги ўрганишга мурожаат қилинган эди ва муаммо жойида ҳал этилган. Ушбу масала бу галги ўрганишларда ҳам партия вакиллари томонидан яна бир бор назоратдан ўтказилди. Такрорий ўрганиш — муаммони назоратсиз қолдирмаслик, аввалги тавсияларнинг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун амалга оширилди. Ишчи гуруҳлари ўрганишлари давом этмоқда.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



соҳасида очиклик, рақобат ва тенг имконият таъминоти қарор топа бошлади. Жараёнда STEAM таълимига эътибор кучайиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмақда.

STEAM таълими замонавий дунё талабларига жавоб берадиган, илм-фан билан амалий ҳаётни, назария билан тажрибани, технология билан ижодни уйғунлаштирувчи таълим моделидир. Ривожланган давлатлар таълимида ҳам таълим тизимини айнан STEAM асосида шакллантириш инновацион иқтисодиётга пойдевор ҳисобланади.

"Адолат" СДП Сайловолди дастурида таълим соҳасига устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилган. Партия таълим сифатини ошириш, замонавий дарс методикаларини жорий этиш, рейтинг тизимини такомиллаштириш, илгор халқаро тажрибани миллий таълим муҳитига интеграция қилиш ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Шунингдек, замонавий хорижий адабиётлар хариди ва уларни ўзбек тилига таржима қилиш масалалари ҳам таълим сифатини оширишда муҳим омил сифатида баҳоланади.

Конференция кунининг иккинчи ярмида шуъбаларда давом этди. Қарши





ИСТИҚБОЛ ҚАДАМЛАР

ЙҮПИДАГИ

Сарҳисоб

Худудлардан хабарлар

ТАШАББУСКОР ДЕПУТАТ

Халқ депутатлари Жомбой туман Кенгашига "Адолат" СДПдан сайланган депутат Комила Умарова фаолияти мобайнида фуқаролар билан очик ва доимий мулоқотлар олиб бормоқда. Депутатнинг асосий мақсади — аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш ва амалий ечимлар топиш. Унинг фаолиятида хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга қўмак бериш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Депутат кўмаги натижасида бир қатор фуқаролар доимий иш билан таъминланди. Жумладан, Г.Саидова ва К.Юнусова "Ок олтин" оилавий шифокорлик пунктида иш бошлади, О.Абдалов эса 35-умумтаълим мактабида қоровул лавозимига ишга жойлаштирилди.

Иш билан таъминланган Г.Саидова ўз миннатдорлигини шундай изҳор қилди:

— Узоқ вақт иш қидирдим, лекин натижа кўринмади. Депутат мурожаатимни эътиборсиз қолдирмади. Энди оиламнинг иқтисодига мен ҳам ўз ҳиссамини қўша оламан.

"Кўкғумбаз" маҳалласидаги тўрт нафар ёшларга эса "Ёшлар дафтари"га киритишда қўмаклашилди. Улар олий таълим муассасаларидаги контракт тўловлари учун амалий ёрдам олдилар. Бу каби қўмақлар ёшларнинг таълим олиш ва келажакда иш билан таъминланишига имкон яратмоқда.

Депутат томонидан "Кўкғумбаз" ва "Хитойпойон" маҳаллаларида ҳам сайёр қабуллар ўтказилди. Ушбу қабулларда аҳолининг ижтимоий, таълим ва маиший масалалари жойида кўриб чиқилди. Масалан, 35-, 15- ва 16-умумтаълим мактабларида айрим дарсликлар етишмовчилиги юзасидан тегишли ташкилотларга сўровлар юборилди.



"Қанғли" маҳалласида аҳоли учун тиббий кўрик ташкил этилиб, тор соҳа мутахассислари ҳам жалб этилган ҳолда аҳоли саломатлиги ўрганилди. Шу маҳаллада истиқомат қилувчи 10 та кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим қилиниб, бир оиланинг турар жой кадастр ҳужжатлари билан боғлиқ муаммоси ижобий ҳал этилди. Депутат ташаббуси билан ўтказилаётган хайрия тадбирлари ҳам аҳоли ўртасида мамнуният уйғотмоқда.

Албатта, бу каби амалий ишлар халқ ва депутат ўртасида ишонччи мустақамлаб, ҳақиқий маънода "депутат — халқ билан, халқ дарди билан" деган тамойилни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

Халқ вакили бўлиш — МАСЪУЛИЯТ

"Адолат" СДПдан сайланган Жалақудуқ туман кенгаши депутати Одинахон Холмуратованинг кўп йиллар таълим соҳасида ишлагани, фуқаролар билан мулоқот қилишда катта тажрибага эга эканлиги унга қўл келди.

— Аввало, депутат ким ўзи, деган саволга жавоб беришимиз керак, — дейди О.Холмуратова. — Айримлар катта мартаба, деб қарашидан кўз юмиб бўлмайди. Аслида халқ вакили бўлишнинг ўзи масъулият. Сайловчилар билдирган ишончга муносиб бўлиш учун ишлаган лозим. Агар улар билан ҳамнафас, муаммоларига эътиборли бўлмасанг, чеккага чиқиш керак. Буни фуқароларнинг депутатлик институтига бўлган муносабати ҳам кўрсатиб турибди.

О.Холмуратова депутат этиб сайланган 5-Кўштерак сайлов округининг ҳудуди "Кўштепа" ва "Кўштерак" МФЙларида иборат. Ҳар икки маҳалланинг ҳаёти ўзига хос. Аҳоли асосан тадбиркорлик ва деҳқончилик билан шуғулланади. МФЙ етилиги томонидан фуқароларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, оилаларни мустақамлаш ва ёшлар сиёсати борасида изчил ишлар олиб боришда депутат МФЙ фаоллари билан ҳамкорликда доим юқоридаги масалаларга эътибор қаратиб келади. Ҳафтанинг бир кунини ҳам икки МФЙ етилиги билан йиғилиб, амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинади, олдидан турган вазифалар белгилаб олинади.



Бугун тадбиркорлик "Кўштепа"нинг драйверига айланган, деб айтиш мумкин. Фуқаролар турмуш фаровонлигининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ривож ва аҳоли бандлигини таъминлашда тадбиркорлик алоҳида ўрин эгалламоқда. Депутат, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашда хусусий сектор раҳбарлари билан биргаликда ишлайди.

Кўштепада ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Муаммоларни бартараф этиш учун фаолият, аниқ режа асосида иш ташкил этиш лозим. Депутат ўз фаолиятининг асосини мана шунда деб билади.

Шу ўринда бир масала. Ичимлик суви таъминоти долзарб масала. "Кўштепа" ва "Кўштерак" МФЙдаги Соғўзгар, Аҳиллик, Маслаҳат кўчалари аҳолиси кейинги йилларда ичимлик суви таъминотидаги узилшлардан қийналаётган. Масъул идораларга қилинган мурожаатлар натижасида янги қудуқ қурилиши бошланган. Бироқ нимагадир бу иш тўхтаб қолди. Фуқаролар бу борада депутатга мурожаат билан чиқди. Натижада муаммо ижобий ечим топиб, янги қудуқ қурилиши якунланиб, яқинда фойдаланишга топширилади.

— Маҳалламиздаги янги кўчаларни ичимлик суви билан таъминлашда амалий ёрдам сўраб ўз вақилимизга мурожаат қилгандик, — дейди "Кўштепа" МФЙ раиси Сухроб Жалолов. — Депутат томонидан масъул раҳбарларга қилинган сўров натижа берди. Муаммо ечимини топди. Бундан аҳоли хурсанд.

Бир сўз билан айтганда, сайловчиларнинг депутатга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Бу ишонч депутат зиммасидаги масъулиятни янада оширади, албатта.

Ахбаржон НАЗАРОВ

Миллий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган дастурлар тасодиғий жараён эмас. Ақсинча, узлуксиз сайё-ҳаракат, пухта режалаштирилган чора-тадбирлар ва замонавий талабларга мос натижаларнинг ҳосиласи десак, ўринли бўлади. Айтиш керакки, ҳозирда мазкур тизим нафақат давлат сиёсати, балки жамият эътиборидаги асосий масалага айланиб улгурди. Мактабгача ва мактаб таълими атрофидаги мунозаралар, муҳокамалар, ижтимоий фикрлар тобора кенгаймоқда.

Ота-оналар боласини боғчага қўйишдан тортиб, унинг таълим-тарбияси ва мактаб муҳити юзасидан ўз саволлари, позициясига эга. Педагоглар ва соҳа мутахассис-

лари эса дарсликлар, замонавий методика ва ўқув юкламаси масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, ўз навбатида, таълимдаги аниқ ва сезиларли ўзгаришларни яққол намоён этади. Хўш, якунига етаётган йилда бу соҳада яна қандай чора-тадбирлар амалга оширилди? Боғча ва мактабларда таълимга муносабат қай даражада ўзгарди? Ота-оналар, педагоглар, тарбиячилар ва ўқитувчилар ягона масала — "Учинчи Ренессанс"га муносиб баркамол авлодни тарбиялаш йўлида бир мушт, ҳамфикр бўла олаётими? Шу каби саволларга жавоб топиш, соҳадаги янгиликлар ва амалий натижалар билан яқиндан танишиш мақсадида тизимнинг асосий бошқарув модели — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида бўлди.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,
журналист

ҚАМРОВ ВА КАДРЛАР МАСАЛАСИ: НАТИЖА ҚАЕРДАН БОШЛАНЯПТИ?

Таълимдаги ҳар қандай ислохот, аввало, боланинг тизимга кириши билан бошланади. Чунки қамров таъминланмас экан, сифат ҳақида гапириш қийин. Шу нуқтаи назардан, жорий йилда мактабгача таълим билан қамров даражасининг 77,5 фоизга, 6 ёшли болалар қамровининг эса 98 фоизга етказилгани муҳим кўрсаткичдир. Бу натижа ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Йил давомида 103 та янги боғча қурилиб, 12 920 та ўрин яратилди. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган 104 та боғча 12 610 та ўрин билан қамровни кенгайтди. Шунингдек, оилавий шаклдаги 1 187 та боғча 50 040 та ўрин, 248 та хусусий боғча эса 16 769 та ўрин билан тизимга қўшимча имконият киритди. 50 та туман ва шаҳарда иш бошлаган "Илк ривожланиш марказлари" эса 5,2 минг болани қамраб олди. Бу рақамлар ортда, энг муҳими, ота-оналар учун танлов имконияти кенгайган. Маълумки, авваллари боғчага жойлашмиш масаласи кўплаб оилалар учун ташвиш бўлиб келган. Қамровнинг кенгайиши эса бу муаммо таъсирини кескин юмшатибди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, таълим тизимида асосий ҳар доим ўқитувчи ва тарбиячи зиммасида бўлади. Шу боис жорий йилда педагог кадрлар билан ишлаш масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Баҳорги ва кузги маляка тоифа синовларида жами 354 397 нафар педагог иштирок этди, шундан 177 866 нафари баҳорги синовларга тўғри келди. Касбий сертификатлаш назорат синовларида эса 4 836 нафар стажёр-ўқитувчи қатнашди. Бу жараёнларнинг фақат ҳисобот учун эмас. Амалиёт шуни кўрсатаяптики, маляка ва сертификат талаблари ўқитувчининг ўз устида ишлашига туртки бермоқда. Шу билан бирга, она тили ва адабиёти ҳамда тарих фанлари бўйича сертификатга эга бўлган 21 616 нафар педагогга ҳар ойлик иш ҳақига 50 фоиз миқдорда қўшимча устима тўлиниши меҳнатни рағбатлантиришининг янги механизмига айланади.

БАҲОЛАШ, ДАРСЛИК ВА МУХИТ: ТАЪЛИМ ФАҚАТ СИНФДА ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЯПТИ

Таълим тизимида рақамлаштириш масаласи сўнги йилларда жадаллашди. Жорий йилда 1-синфга қабул

жараёнлари онлайн шаклда амалга оширилаётган туман ва шаҳарлар сони 64 тага етказилди. Солиштириш учун айтганда, 2024 йилда бу кўрсаткич 43 тани ташкил этган эди. Бу янгилик орқали қабул жараёнларида шаффофлик таъминланиб, оворагарчилик камайди. Ўқув натижаларини аниқ баҳолаш масаласида ҳам ўзгаришлар кузатилди. Янги баҳолаш тизими жорий этилган мактаблар сони 3 434 тага етказилди. Натижада ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 53,2 фоиздан 71,7 фоизга ошди. Бу кўрсаткичлар баҳолаш усули ўзгариши ўқув жараёнига бевосита таъсир қилаётганини кўрсатади. Шунингдек, тан олиш жоиз, таълим сифати нафақат ўқитувчи, балки ўқув муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис жорий йилда ўқув жараёнини мазмунан янгилаш ва моддий-техника базасини мустақамлашга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро тажрибалар асосида 423 номда 60,2 миллион нусха дарслик ва ўқув-методик мажмуалар нашр этилиб, мактабларга етказиб берилди. Бу дарсликлар мазмунини замон талабларига мослаштириш, ўқувчини фақат ёдлашга эмас, фикрлашга ундашга қаратилган ёндашувнинг мантйқий давомидир. Шу билан бирга, мактабларда рақамли муҳитни шакллантириш мақсадида 1 000 та компьютер синфи, яъни 17 мингдан ортиқ компьютер ўрнатилди. Айрим ҳудудларда бу, оддий қилиб айтганда, боланинг биринчи бор компьютер билан ишлаш имкониятига эга бўлиши демакдир. Бу эса кейинчалик рақамли кўникмаларни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Яна бир эътиборли масала — самарадорлик кўп жихатдан уни бошқараётган раҳбарларнинг тайёргарлигига бориб тақаллишидир. Шу туфайли жорий йилда менежерлик ўқув курслари орқали 3 257 нафар директор (шундан 1 830 нафари мактаб, 1 427 нафари боғча раҳбарлари) ҳамда 2 869 нафар ном-

зод (2 210 нафари мактаб, 629 нафари боғча) ўқитилди.

Бу курслар раҳбарларга фақат маъмурий бошқарув эмас, балки жамоа билан ишлаш, таълим сифатини назорат қилиш каби кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилляпти. Шунингдек, 183 нафар раҳбар ва педагог ходим хорижий давлатларга стажировка ва маляка оширишга юборилди. Бу тажриба орқали улар ўз кўзи билан бошқа мамлакатларда таълим қандай ташкил этилганини кўриб, айрим ечимларни маҳаллий шароитга мослаштириш имкониятига эга бўлмоқда. Аммо бугунги кунда таълим тизими ёпиқ муҳитда қолиб кетмаслиги керак. Шу нуқтаи назардан, иккинчи хорижий тилга ўргатиш амалиёти жорий этилган мактаблар сони 420 тага етказилди (2024 йилда — 208 та). Бу мактабларда халқаро ва миллий сертификатга эга ўқувчилар сони 53 204 нафарни ташкил қилди. Шу билан бирга, таълим сифатига ташқи тажриба киритиш мақсадида мактабларга 600 нафар хорижий мутахассис жалб этилди. Улар нафақат фанларни ўқитади, балки маҳаллий педагоглар билан ишлаш орқали тажриба алмашувини ҳам таъминлайди.

ИЖТМОИЙ АДОЛАТ ВА ИНКЛЮЗИВ ЁНДАШУВ, ЭРТАНГИ КУН МАНЗАРАСИ

Таълимда тенг имконият яратиш масаласи йил давомида алоҳида эътибор марказида бўлди. Камбағал оила фарзандларини давлат боғчаларига имтиёз асосида қабул қилиш тартиби тасдиқланиб, жами 355 347 нафар бола боғчаларга қабул қилинди. Бу қарор кўплаб оилалар учун иқтисодий юкни енгиллаштириш билан бирга, боланинг таълимдан четда қолиб кетишининг олдини олди. Жорий йилдан бошлаб илк бор тажриба-синов тарихида 208 та боғчада инклюзив таълим жорий этилди. Бу қадам таълим тизимида ҳар бир бола имконияти инobatта олиниши керак, деган тамойилни амалда намоён


Халқимиз азалдан илмни қадрлаб келади. Олиму фузалоарга чуқур ҳурмат кўрсатишдек эзгу анъанамиз ҳозир ҳам бардавом. Бироқ болани илмий, маънавий ва жисмоний ривожланиши фақат вазирилик, мактаб ёки боғчанинг эмас, бутун оила, кенг маънода жамиятнинг фавқулодда муҳим масъулияти ва вазифасидир.

Таҳдидларимиз шуни кўрсатадики, бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда баркамол, маънавий ва билимли авлодни тарбиялаш йўлида янги босқич бошланаётганидан далолат берапти. Бу эса келгусида замонавий билим ва кўникмаларга эга баркамол авлодни тарбиялаш орқали жамиятда билим ва маърифатни юксалтириш, таълимни интеллектуал драйверга айлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Устоз адабнинг 105 йиллиги

АСҚАД МУХТОР МАҚТАБЫ

Биринчи мақола



Шахсий фикр

ЯНГИ АТАМАЛАР БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ҚАНЧАЛИК АСОСЛИ?

ТАКЛИФЛАР ҚАНЧАЛИК АСОСЛИ?

Шу кунларда ижтимоий тармоқлар орқали Ўзбекистон Республикаси Атамалар комиссиясининг ишчи кенгаши Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти олимлари томонидан жамоатчилик муҳокамаси учун тақдим этилган "Янги сўз ва атамалар юзасидан таклифлари" эълон қилинди.

Қодир ЖЎРАЕВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Сўнги ўн йилликларда илм-фан, хусусан, рақамли технологиялар ва сўнгий интеллектнинг мислсиз тараққиёти натижасида ҳаётимизга кўплаб ажнабий сўз ва атамалар кириб келди. Уларнинг бир қисми ўзбек тилида муқобили борлиги туфайли ўзбекчалаштирилди. Муқобили йўқлари эса аслиятда қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинди.

Лекин юқорида тилга олинган "Таклифлар"да қатор сўз ва атамалар сўнгий равишда, зўрама зўраки таржима қилинганга ўхшайди. Масалан, "блокчейн" атамасини "занжирблок" деб ярмини ўзбекча, ярмини ажнабий тилда бериш мантиққа умуман тўғри келмайди.


Бундан ташқари, тилимизга аллақачон кириб келган ва анчадан бери муомалада бўлган "вертолёт" (тикучар), "ирригация" (суғориш), "антракт" (тансаффу), "банкет" (зиефат), "суфлёр" (шивирчи) каби сўз ва атамаларга ҳам тегмаган маъқул.

"Реванш" (қайта кураш) ҳам шундай қолгани маъқул, чунки "қайта кураш" қасос олишни эмас, балки яна бир марта кураш тушишни билдиради. "Фитнес" (бадантарбия) сўзига ҳам тегмаслик зарур. Чунки "фитнес" ва "бадантарбия" сўзлари мазмунан бир-бирдан фарқ қилади: фитнес танани гўзал қилиш мақсадида, бадантарбия эса соғлиқни чинқитириш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир.

Ҳар қандай тил каби ўзбек тили ҳам ўз очиқлиги, яъни бошқа тиллардан кириб келган сўзларни қабул қила олиши билан тирикдир. Шу боис, ажнабий тиллардан ўлаштирилган сўзларнинг ўзини қолдираверишимиз керак.

"Таклифлар"даги баъзи қисқартма сўзлар ҳам жуда баҳсли. Масалан, "ПДО" (предельно допустимый отход)ни "МЭЧ" (ман этилламан чиқиндилар) деб таржима қилинган бўлиб, кишида ман этилмаган чиқинди ҳам бор экан, деган нотўғри тасаввур уйғотади. Шу боис, "ПДО"ни "Ўрнатилган меъёрдан ошмайдиغان чиқиндилар", яъни "ЎМОЧ" деб таржима қилиш мақсада мувофиқдир.

Бу каби мулоҳазаларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилига киритиш учун таклиф этилаётган янги сўз ва атамалар жуда баҳсалга бўлиб, уларнинг филологияга қўшилиб бўлмайди.



Бу ном Семурзнинг қадимги турк уруғлари орасида тарқалган варианты деган қарашлар ҳам мавжуд. Кўктубулгон худди Семург каби нотабий куч-қудратга эга бўлган жонотдир. Қадимги турк манбаларида ёзилишича, "Бу қушнинг икки қаноти пўлат бўлиб, у қанотлари билан тоғга урилиб, бир томондан бошқа томонга учиб ўтган".

Ўзбек адабиёти кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтган, инсоният тафаккури, онгу-идрокига, маънавият, маърифат тақомилига хизмат қиладиган кўплаб асарларни бағрига тўпплаган беназир адабиёт ҳисобланади. Унинг ҳазинасида етук асарлар жамланганига ХХ аср ижодкорлари ҳам баракали хисса қўшдилар. Ана шундай ижодкорлардан бири атоқли адиб, шoir, драматург, таржимон, публицист Асқад Мухтор эди.

Асқад Мухтор бу фоний дунёда 77 йил (1920 йил туғилиб, 1997 йил вафот этди) умргузаронлик қилди. Ҳаётининг салкам 60 йилини адабиётга, ижодга бағишлади. Унинг 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ёзган "Тилак", "Тонг эди", "Соғиниш" каби илк шеърларидан тортиб "Пўлат қуовчи", "Ҳамшаҳарларим", "Раҳмат, меҳрибоним", "Чин юракдан" шеърый китоблари, "Дарёлар туғатган жойда", "Қорақалпоқ қиссаси", "Буҳоронинг жин кўчалари" киссалари, "Опа-сингиллар", "Туғилиш", "Давр менинг тақдиримда", "Чинор", "Аму" романлари, "Чин юракдан", "Ҳаётга чақирик", "Дунё болалари" ҳикоялар тўпламлари, "Мардлик чўққиси", "Яхшиликка ашишлик", "Самандар" сингари драматик асарлари, Софокл, Пушкин, Лермонтов, Тагор, Горький, Шевченко, Блок, Маяковский, Корнейчук асарлари таржималарига ҳам халқимизнинг маънавий бойлигига айланган.

Адиб нафақат ижоди билан, балки ижтимоий соҳада — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг уринбосари, "Шарқ юлдузи", "Гулистон" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири сифатида ҳам самарали фаолият юритди. Ижодий фаолияти учун "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" унвонига ва Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Асқад Мухтор орамизда бўлмаса ҳам номи, асарлари, адабий мероси билан халқимиз кўнглида ҳамisha барҳаёт. Устоз адиб билан "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бирга ишламоқ бахтига муяссар бўлганман. Шунинг учун адабнинг газетанда кечган фаолиятдан айрим лавҳаларни ёдга олишни маъқул топдим.

Қамол МАТЌУБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

1981 йилнинг 6 мартда "Ўзбекистон маданияти" газетаси тахририятига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қотиб Оқил Салимов бошчилигида бир гуруҳ раҳбарлар келиши. Жамоани бош муҳаррир хонасига йиғишди. Котиб гапни қисқа қилди. Республикада адабиёт, санъат ва маданиятнинг тарғиботи кучайтириш мақсадида "Ўзбекистон маданияти" газетасини "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталигига айлантириш, уни 8 саҳифалик ҳолатда икки рангда чиқариш, ададини кўпайтириш, газетанинг ҳам адабий-бадий, ҳам гоғийи нашр сифатида нуфузини ошириш хусусида сўз юритди. Ва ҳафталикка атоқли адиб Асқад Мухтор бош муҳаррир қилиб тайинланди. Янги бош муҳаррир жамоа билан танишиш, газетادا иш бошлашни байрамдан кейинга қолдирди.

Уша пайтда Асқад Мухторни яхши билардик. Ахир кўплаб романлар, қиссалар, ҳикоялар, шеърлар ёзган, халқ чин дилдан яхши кўрган адиб ва шoirни ким ҳам билмайди, дейсиз? Бунинг устига ўша йилларда "Гулистон" журналин нафақат Ўзбекистоннинг, балки Ўрта Осиёнинг энг яхши ойналаридан бирига айлантирган, кўплаб ёшларга ғамўрлик кўрсатган ижодкор сифатида ҳам машҳур эди. Шунинг учун Асқад Мухторнинг ҳафталик газетага бош муҳаррир қилиб тайинланиши кўпчиликини қувонтирди. Лекин Асқад аканинг юз-кўзида бундай қувонч йўқ эди. Аксинча, горьинлик, тоғлиқчи, аллақандай ҳафсаласизлик бор эди. Бошқаларни билмадим-у ўша топда адибнинг "Гулистон" журнаliga бош муҳаррирликка сайланиш билан боғлиқ хотиралари ёдимга тушди.

Адиб шундай деб ёзганди: "Уша йиллари Комил Яшин Ёзувчилар уюшмасининг раиси, мен муовини эдим... Бир кун Комил Яшин мени Марказкумага бошлаб борди. Шароф Рашидов чақиртирган экан. Гапнинг авзоидан билдимки, мақсад — "Гулистон" журнаli муҳаррирлигини бўйнимга қўйиш... Унамадим. Кўншимда. — Йўқ, — деди Шароф Рашидов гапни вазминлик билан чўзиб, жилмайган, мулоийм бир оҳанда. — Бизга йўқ, демайсиз... Икки томон ҳам ўйловда қолдик. Оғир жимлик чўкди. — Унда... шартларим бор, — дедим охир тилга кириб. Кўп йиллар "Шарқ юлдузи"да бош муҳаррирлик қилган, бу ишнинг ғаввалигини билардим. Ҳаммаси гир-сир кўз ўнгимдан ўтди... — Айтинг... — деди Шароф Рашидов.

Шартим шуки, тематик чегаралар олиб ташланган! — Бу нима деганингиз?... — "Гулистон" оммабоп бўлсин! Шароф Рашидов узоқ ўйланиб, Комил Яшинга қаради. Сўнг менга юзланиб, "майли", демади-ю: — Тагин, — деди.

налга нисбатан кўп бўлиши аниқ. Шу билан бирга газетани ҳажми, шакл, мазмун жиҳатидан бутунлай янги қиёфада нашр этишни йўлга қўйиш талаб этиларди. Бу янги газета чиқариш билан тенг эди. Ана шунда Шароф Рашидов Асқад акани икки-уч йил ичида газетани оёққа қўйиб бериш шарти билан бош муҳаррирликка тайинлади.

Адиб бу жараён билан боғлиқ масалалар хусусида кейинчалик "Тундаликлар"ида "Меҳнатни роҳатга айлантиришни ҳаёб қилар эдик, роҳат меҳнатга айланди", деб кўнглидаги фикрларни қисқинага ифодалаганди.

Бош муҳаррир ҳафталик 13 апрелдан бошлаб нашр этилишини маълум қилди. Шунчага газетани шакллантириш, бир сони эмас, бир неча сонлари учун материалларга буюртма мақолалар бериш масаласини ўртага қўйди. Тахририят ходимлари аввал қайси бўлимда ишлаган бўлсалар фаолиятини давом эттиришларини, иш жараёнига қараб янги бўлимлар очиб, кимнинг қайси бўлимда ишлашини белгилашни билдирди. Лекин бу гап айтилар-айтилмас баъзи ходимлар бу бўлимда эмас, бошқа бўлимда ишлашман, деб норозилик билдирдилар. Сал ўтмай норозилик жанжалга, жанжал эса бош муҳаррирга пичоқ кўтариб юриришга бориб етди...

Асқад ака бировга дардини дoston қиладиганлар, ташвиши учун бировлардан ёрдам сўрайдиганлар хилдан эмасди. "Пичоқбозлар"га масалани ётиқлик билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Улар тушунишни истамади. Шунда ҳам уларга ариза ёзиб ишдан кетингиз, демади, ишлашни истамаганилар ишлаётганларга халқит қилманлар, деди. "Тундаликлар"даги "Аҳмоқ аҳмоқчилигини билмай ўлиб кетади, чунки буни ҳеч ким унинг юзига айтмайди", деган сўзлар ўша пайтларда кўнглида туғилган бўлса ажаб эмас.

Бош муҳаррирнинг ишлаш тартиби бошқача, ўзига хос эди. У бирор узоқроқ жойда йиғилиш, анжуман, мажлисларга боришдан ташқари хизмат машинасида фойдаланмасди.

Ўзбек халқининг номи Ўзбекхон исми билан боғлашди. "Ўзбекхон" ўзи қаердан келиб чиққан? Менимча, бу сўзининг (демак, халқ номининг ҳам) тарихи анча узоқ. 721 йилда туркий қабилаларнинг қурултойи бўлган. Шунда Билги хоқон ўз нутқини бундай сўзлар билан бошлайди: "Эй, турк ўғиз бекалари!" Ўғиз у вақтда "қабилла" маъносидан ишлатилган. Демак, "Ўғиз беги" — қабилла бошлиғи деган сўз. Ўғиз бекалари замонида элнинг анча имтиёзли бир қатлами бўлган. Ўзбеклар туркийларнинг ана шу қатламига мансуб табақадан келиб чиққан, деган фаразим бор.

Асқад МУХТОР

Эрталаб икки-уч километрлик йўлни пилёда босиб ўтиб, ишхонага келарди. Ишни одатдагидек эрталаб 9 дан эмас, 8 дан бошларди. Биз тахририят ходимлари ишга келганимизда Асқад аканинг столи устида жиддий тахрирдан чиққан ўнлаб материаллар тахт турарди. Материалларни тахрир қилиш жараёни ҳам ўзгача эди. Одатда бирор мақола, публицистик асар, эссе ёки шеър газетادا ёритиладиган бўлса, улар аввал ўқиб чиқилиб, кейин тахрирга киришларди. Асқад ака эса уларни ўқиб чиқмасдан бирдан тахририни бошлаб юборарди. Материал яхши бўлса охирига қадар тахрир қиларди. Агар тахрирга ярамаса, мақола бўш бўлса, бўлимга қайтариб берарди. "Муаллиф мақолани қайтадан ёзини ёки янги мақола берсин", деб таклиф айтарди.

Бош муҳаррирнинг таклифи билан тахририятда янги бўлимлар ташкил этилди. Ҳафталикнинг ҳар бир саҳифаси бўлимларга бўлиб берилиб, янги номлар билан аталди. "Биринчи саҳифа газетанинг юзи, қиёфаси, у қанчалик чиройли, бунинг устига мазмундор бўлса, газетанинг ўзига жалб қилади. Муштарий биринчи саҳифаданок газетани иштиёқ билан, қизиқиш ўқиши керак", дерди адиб. Кейинги саҳифа публицистика бўлимига ажратилганди. Учинчи саҳифа ижодкорлар, санъаткорларнинг адабий ўйлари, маънавият, маърифат хусусидаги фикрлари, хотиралари, адабий ҳаёт хусусида хулосаларини айтиш учун минбар қилиб белгиланди. Тўртинчи саҳифа адабий танқид ва адабиётшунослик, бешинчи

фининг шеърларини тушуниш қийинлиги ҳақида сўз юритилди. Унга "шеърларингизни тушунтириб беринг", деган талаблар қўйила бошлади. Ҳатто шoir шеърлари шеърятдан йироқ, ўзбек миллий шеърятига хос эмас, деган танқидий фикрлар ҳам айтилди. Ана шунда Асқад ака адабиётшунос олимлардан бу баҳо-мунозара ҳақида, хусусан, Рауф Парфи шеърятини борасида холислик билан баҳо берилган мақола ёзиб беришни илтимос қилди. Афсуски, бундай мақола ҳафталикка келмади. Натижада ана шундай мақолани Асқад аканинг ўзи ёзди. Ёзганда ҳам шеърятнинг бу йўналиши азалдан мавжудлигини, Шарқ шеърятини ҳам бу йўналишида кўплаб асарлар яратилганини таъкидлади. Рауф Парфи шеърятини таҳлил қилиш мақсадидаги фикрларни яқунлаб, "Шеърни таҳлил қила бошласалар, гашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо ундан қўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?", деди. Асқад Мухторнинг бу мақоласи Рауф Парфини нафақат ўринсиз хуружлардан ҳимоя қилди, балки шoir асарларининг адабиётимизда тутган юксак ўрини ҳам белгилаб берди.

РИВОЯТ КЎК-ТУБУЛГОН АФСОНАВИЙ ҚУШ

Бу ном Семурзнинг қадимги турк уруғлари орасида тарқалган варианты деган қарашлар ҳам мавжуд. Кўктубулгон худди Семург каби нотабий куч-қудратга эга бўлган жонотдир. Қадимги турк манбаларида ёзилишича, "Бу қушнинг икки қаноти пўлат бўлиб, у қанотлари билан тоғга урилиб, бир томондан бошқа томонга учиб ўтган".

ЭЛЕКТРОН РЕЦЕПТ ТИЗИМИ

ТИББИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 сентябрдаги қарори билан дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш паспортига ўзгартиш киритилди.

Унга мувофиқ, республикада дорихоналар босқичма босқич электрон рецепт тизимига ўтказилади. Содда қилиб айтганда, энди шифокор ёзиб берадиган "D-Med" рецептисиз айрим дориларни харид қилиб бўлмайди.

Қайд этиш жоизки, "Адолат" СДП ушбу тизимни ишга тушириш масаласини кўп йиллардан бери илгари суриб келаётганди. Хусусан, партия Сайловолди дастуридан ҳам дорихоналарни ривожлантириш, рецептсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатини қисқартириш ҳамда дорихоналар сонини мақбуллаштириш устувор мақсад сифатида белгиланган. Мавзунинг долзарб экани, мазкур тизим халқимизга янгилик бўлгани учун турли саволлар юзга келаётганини ҳисобга олиб, соҳада узоқ йиллик тажрибага эга бўлган шифокор, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Тозагул ХОЛИҚОВА билан суҳбат қилдик.



лар манфаатига ҳам хизмат қилади. Амалиётда шундай ҳолатлар бўлгани, даволаниш жараёнида бемор соғлиғида салбий ҳолатлар кузатилиб, даволоччи шифокор жавобгарликка тортилган. Кейинчалик, аслида юзага келган салбий оқибатга мул्लाқ бошқа асослар таъсир кўрсатгани аниқланган. Электрон рецептда қайси дори, қандай асос билан белгилангани аниқ қайд этилади. Бахсли ҳолатларда шифокорнинг ҳаракати ҳужжат билан тасдиқланади.

– Айрим юртдошларимиз "энди дори сотиб олиш қийинлашди" деган хавотирли фикрларни билдиришмоқда...

– Бу хавотирлар маълум маънода табиий, чунки ҳар қандай янгилик дастлаб савол ва шубҳаларни келтириб чиқаради. Лекин электрон рецепт тизими дори сотиб олишни қийинлаштириш учун эмас, аксинча, уни тартибли ва хавфсиз қилиш учун жорий этилган.

Авалло, барча дорилар ҳам электрон рецептга ўтказилмайди. Фақат кучли таъсир килувчи, назорат остидаги, нотўғри қўлланганда саломатликка жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган айрим препаратлар учунгина электрон рецепт талаб қилинади. Қундалик ҳаётда қўлланганидан кўплаб дорилар аввалгидек эркин сотилади.

Тўғри, ўзбошимчилик билан дори сотиб олиш имкони чекланади. Бу эса салбий ҳолат эмас, балки аҳоли саломатлиги учун зарур чорадир.

– Электрон рецепт тизими дори бозоридаги шифофлик, сохта дори воситаларига ва нарх-наво масалаларига қандай таъсир кўрсатади, деб ўйлайсиз? Қорабозор авж олишига сабаб бўлиши мумкинми?

– Холис баҳоласак, ушбу тизим дори бозорида шифофликни оширади, сохта дори воситаларига қарши курашни кучайтиради ва нарх-навога ҳам ижобий таъсир кўрсатиши кутилмоқда. Қорабозор авж олиши эҳтимоли эса, аксинча, пасайиши керак. Биласизми, сохта дорилар назорат заиф бўлган жойда тарқалади. Электрон рецепт эса дори айланмасини тизимга боғлайди. Номалъум манбадан келган, ҳисобга киритилмаган дорини расмий дорихона электрон рецепт асосида сотолмайди. Бу сохта дори учун бозорни қисқартиради.

Албатта, дастлабки босқичда суиистеъмолга уринишлар бўлиши мумкин. Лекин назорат кучайгани, рақамли кузатув тақомиллаштириш боргани, жавобгарлик аниқ белгилаб қўйилгани сари вазият фақат яхши томонга ўзгаради.

– Юртимизда туризм ривожланиб бормоқда. Табиийки, меҳмон бўлиб тураган хорижий давлат фуқаролари ҳам хасталаниши, масалан, тиши ёки боши оғриб қолиши мумкин. Улар қандай йўл тутаяди?

– Рецептсиз бериладиган дорилар рўйхатига оғрик қолдирувчи дори воситалари киритилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тасдиқланган. Унга қўра, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тиббий ёрдам олиш учун тиббий муассасаларга мурожаат этишлари мумкин.

– Суҳбатингиз учун раҳмат!

"Адолат" СДП
Матбуот хизмати ходими
Орифжон ОДИЛОВ суҳбатлашди



Ўзбекистон — Япония

НАРАДАГИ СЎҒД ЁЗУВИ ВА ЯПОН ГАНЧКОРПАРИ

Япония императорларининг Нара шаҳридаги қадимий хазинасида ноёб ва қимматбаҳо буюм сифатида сақланаётган бир экспонат бор. Бу – келиб чиқиши Ўрта Осиёга бориб тақалувчи қадимий уд чолғу асбобидир.

Унинг декасида икки мусиқачининг базм қуриб ўтиргани тасвирланган бўлиб, санъатшунос олимларнинг аниқлашича, мусиқачилардан бирининг қўлидаги соз айнан биз билган қўбиздир. IX–X асрларда қимматбаҳо туҳфа сифатида "Кунчиқар мамлакат"га етиб борган ушбу ёдгорлик шунчаки музей буюми эмас, балки икки минтақа ўртасидаги минг йиллик мулоқотнинг тилсиз гувоҳидир. Ушбу далил Ўзбекистон ҳудуди қадимдан нафақат фарб, балки энг чекка шарқ цивилизациялари билан ҳам тигиз иқтисодий ва маданий алоқада бўлганини кўрсатади.

Буюк Ипак йўлининг Сирдарё йўналиши асрлар давомида Хитой ва Корея орқали Япония қирғоқларига таштаган глобал тармоқ вазифини ўтаган. Ҳали биринчи минг йилликнинг ўрталаридаёқ ушбу йўл орқали буддавийлик тарғиботчилари ҳаракатланган бўлса, VII асрга келиб хитойлик сайёх Сюань Цзянинг Ўрта Осиё бўйлаб ўн олти йиллик саёхати давомида битган хотиралари японлар учун ушбу минтақани кашф этгани асосий ахборот манбасига айланган. Самарқанд ва Бухоронинг тадбиркор сўғд савдогарлари Тинч океанидаги оролларга қадар етиб борганлигига Япониянинг қадимий пойтахти Нара шаҳридаги Хорюдзи ибодатхонасида сақланиб қолган сўғд тилидаги ёзувлар яққол далил бўла олади. Ҳатто IX–X асрларга келиб Японияда сўғд манзилгоҳи шаклланиши ҳақидаги маълумотлар ўша давр глобаллашуви даражаси қанчалик юқори бўлганидан далолат беради.

Тарих саҳнасидаги йирик жараёнлар билан бир қаторда, инсонларнинг шахсий тақдирлари ҳам икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг жонли кўпригига айланган. XIX – XX асрлар бўсағасида Туркистон ўлкасига келиб қолган японлар бармоқ билан санарли бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга эга. Шулардан бири – Иосимур Таса хонимнинг қисмати. 1899 йилда Нагасакидаги Россия консулигида ҳужжатларини расмийлаштирган бу аёл, 1902 йилда Туркистонга етиб келади. Архив ҳужжатлари унинг кейинчалик Наманган уездининг Чуст шаҳрида яшовчи Мамажон Мирзобоев билан турмуш қургани, ислом динини қабул қилиб, Хурниса исминини олгани ҳақида гувоҳлик беради. Бу каби микротарихий воқеалар сиёсий чегаралар ва маданий тафовутларга қарамай, инсоний муносабатларнинг самимиётини кўрсатувчи ноёб далиллардир.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Ўзбекистон ва Япония муносабатларида мутлақо янги, драматик ва айни пайтда бунёдкорлик саҳифаси очилди. 1945–1950 йилларда республика ҳудудида 23 минг нафар этник япон ҳарбий асирларининг қолдири қолдириқлиги таъсир қилган бўлиши билан бир қаторда ҳам чуқур из қолдирди. Фарҳод ГЭСи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Марказий телеграф каби стратегик объектлар қурилишида қатнашган японлар, айниқса, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри биносини барпо этишда ўзларининг юксак меҳнат маданиятини намойиш этдилар. Театр интервезини безаш жараёнида машхур ганчкор уста Тошпўлат Арслонқулов раҳбарлигида япон асирлари миллий ўймакорлик санъатини тез ва муваффақиятли ўзлаштирдилар.

Меъмор Митхат Булатовнинг хотиралари ушбу даврдаги инсоний кечинмаларни жуда таъсирли ифодалайди. Ватани ва оиласини соғинган бир япон ҳайкалтароши гипсдан ўз оиласининг кечки овқат устидаги ҳайкалинини яратди ва шол атрофида битта бўш жой қолдиради. "Мен ҳозир узокдаман. Уйга қайтганимда бу жойни ўзим эгаллайман", дея изоҳлайди у. Бу санъат асари тўқунликдаги инсоннинг умиди ва руҳиятини акс эттирувчи рамзга айланган эди. Асирларнинг Ўзбекистондан кетиш олдидан қовун уруғларини олиб кетиб, Японияда қишга уринишлари, кейинчалик цунами оқибатида нобуд бўлган ҳосилни қайта тиклаш учун Ўзбекистон Фанлар академиясига мактуб йўллашлари – буларнинг барчаси қалбларда қолган илиқ муносабатларнинг ифодасидир.

Бугунги кунда ҳам ушбу тарихий ришталар узилгани йўқ. Собиқ ҳарбий асир, кейинчалик профессор даражасига етишган Като Кюдзо (1922–2016) жанобларининг узок йиллар давомида Сурхондарёда археологик экспедицияларга бошчилик қилиши илмий ҳамкорликнинг давомийлигини далолат беради. Япон сиёсатчиларининг Марказий Осиё ва Япония ўртасидаги "ҳайратланарли ўхшашлик" ҳақидаги эътирофлари эса шунчаки дипломатик лутф эмас, балки асрлар давомида Ипак йўли орқали шаклланган, куллоқчилик нақшларидан тортиб мусиқий оҳанглари ва инсоний қадриятларга сингиб кетган чуқур тарихий-маданий муштаракликнинг тасдиғидир.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади, Ўза

– Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз тиббиёт тизимига ҳам замонавий тартиб-тамоиллар, янгича ёндашувлар кириб келмоқда. Электрон рецепт амалиётини ушбу ислохотларнинг мантқиқий давоми дейиш мумкин. Аммо жамоатчилик орасида ушбу тизимга нисбатан турли фикрлар янграётгани ҳам бор гап. Умуман олганда, электрон рецепт нима ва у аънавий қоғоз рецептлардан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?

– Электрон рецепт тизими шифокор томонидан беморга белгиланадиган дори воситалари ҳақидаги маълумотларни махсус рақамли платформа – "D-Med" ахборот тизими орқали расмийлаштириш ва сақлаш амалиётидир. Ўз номи билан у электрон шаклда бўлади ва қоғозга ёзилмайди, махсус ахборот базасида қайд этилади.

Аънавий қоғоз рецептлардан фарқли жиҳати, аввало, ишончилиги ва хавфсиз эканида. Оддий қилиб айтганда, қоғоз рецепт йўқолиши, бузилиши ёки сохталаштирилиши мумкин. Электрон рецепт эса ягона тизимда сақланади ва сохталаштириш эҳтимоли мавжуд эмас. Иккинчидан, назорат ва шифофлик ўрнатилди. Тизимда қайси беморга, қайси шифокор томонидан, қандай дори ва қай муддатга белгилангани аниқ кўриниб туради. Бу дори айланмасини назорат қилиш имконини ҳам беради.

Масаланинг яна бир ўта муҳим жиҳати бор. Электрон рецепт шифокорларга тиббий масъулиятни оширади. Чунки у шифокорнинг электрон имзоси билан тасдиқланади. Натيجида шифокор жавобгарлик ҳиссини туяди, бу эса нотўғри, янгили дори белгилаб қўйиш эҳтимолини пасайтиради. Бемор саломатлигига жиддий ёндашуви таъминлайди.

Демак, янги тизим нафақат рақамлаштириш, балки аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, дори бозорида тартиб ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳам муҳим қадамдир.

– Фикрингизча, беморлар учун бу тизим қанчалик қулай бўлади? Хусусан, кекса ёшдаги фуқаролар ёки рақамли технологиядан ҳам фойдаланадиганлар, фойдаланиш имконига эга бўлмаган инсонлар ундан қандай фойдаланади? Ўлиб қолган беморлар ва поликлиникага бора олмайдиган фуқаролар бор, уларга дори шовилчин керак бўлса-чи? Янги тизимда бу жиҳатлар ҳам инобатга олинганми?

– Бу жуда ўринли ва кўпчиликини ўйлантираётган савол. Электрон рецепт тизими, аввало, беморлар учун қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Демак, биринчи навбатда, аҳолининг барча қатламлари манфаати ҳам инобатга олинган.

Қайд этиш жоизки, беморнинг ўзи электрон тизимдан фойдаланмайди. Электрон рецепт шифокор томонидан расмийлаштирилади, бемор эса фақат ўз паспорти ёки ID-картасида акс этган шахсий идентификацион рақам ёхуд шифокор берган электрон идентификатор маълумоти асосида дорихонадан дори олади. Бунда беморда смартфон, интернет ёки махсус илова бўлиши шарт эмас. Бемор хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, ундан рақамли саводхонлик талаб қилинмайди.

Жисмоний ҳолати сабаб тиббиёт муассасасига кела олмайдиган ва ётиб қолган беморлар учун эса дори воситалари яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари томонидан электрон рецепт асосида олинади.

Шовилчин ҳолатларда тез тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилиниши ҳам мумкин. Шунингдек, дори воситаларини шовилчин равишда ёки зудлик билан бериш зарур бўлган тақдирда, рецепт бланкасининг юқори қисмига "cito" (шовилчин) ёки "statim" (зудлик билан) белгиси қўйилади. Жараён қоғоз рецептга қараганда тезроқ кечади.

– Сурункали касалликка чалинган ва доимий дори қабул қиладиган беморлар билан қандай йўл тутилади? Улар ҳар бир қабул учун шифокорга бориб, алоҳида рецепт олади-ми?

– Йўқ. Сурункали хасталиги бор беморларга амбулатор шартда рецепт ёзилганда, анаболлик фаолликка эга айрим дори воситалари истисно тариқасида 60 кунлик, баъзи дори воситалари эса 90 кунлик даволаш курсига етарли миқдорда белгиланади.

Шунингдек, бундай беморларга электрон рецепт бўйича қандолатланган пакетга киритилган дори воситалари дорихоналар томонидан реимбурация дастури асосида 30 кунлик даволаш курсига етарли миқдорда, бепул берилади.

– Сизнингча, электрон рецепт тизимининг энг муҳим, асосий аҳамияти нимада?

– Биласизми, айрим юртдошларимизда бир одат борки, бу дориларни ўзбошимчилик билан қабул қилиш, нотўғри даволаниш. Кўпинча, бундай таваккалчилик бемор ҳолатини оғирлаштириб, даволаниш даврини чўзилишига, баъзан эса турли асоратларга олиб келади. Янги тизим ана шу муаммони сезиларли даражада камайтиради, деб ўйлайман.

Авалло, янги тизим "рецептсиз дори" амалиётини чеклайди. Илгари айрим кучли таъсир қилувчи препаратлар шифокор кўригисиз ҳам сотилгани аччиқ ҳақиқат. Электрон рецепт жорий этилгандан кейин эса бундай дорилар фақат шифокор белгиланган ҳолдагина беморга берилади. Дорихона ушбу тартибга амал қилмаса, жавобгарликка тортилади.

Қолаверса, дориларни меъёрсиз ва нотўғри қабул қилиш назоратга олинади. Тизим беморга қайси дори, қандай дозада ва қанча муддатга белгиланганини аниқ кўрсатади. Беморнинг бир хил дорини ортинча миқдорда ёки такоран қабул қилиш эҳтимоли чекланади.

Албатта, ҳар қандай тизим каби электрон рецепт ҳам муаммони бутунлай ҳал қилиб юбора олмайди. Бунда аҳолининг тиббий маданияти, шифокор ва фармацевтларнинг масъулияти муҳим аҳамиятга эга.

– Шифокорлар учун ушбу тизим қандай қулайлик ёки масъулиятни юзага келтиради? Бу уларнинг иш юклагасига таъсир қилмайдими?

– Шифокор сифатида платформанинг имкониятларини ҳам, унда мавжуд бўшлиқларни ҳам ўргандик. Тизим янги, албатта, муайян камчиликлардан холи эмас. Хусусан, расмийлаштириш жараёнидаги айрим мураккабликлар вақт йўқотилишига сабаб бўлиши мумкин. Аммо уни қўшимча юклама деб баҳолаш тўғри бўлмайди. Фикримча, тажриба-синов босқичида тақомиллаштирилди. Ушбу жараёнда платформа яратган ахборот технологияси мутахассислари тажрибали шифокорлар маслаҳатига ҳам таянишди, деб умид қиламиз.

Шу ўринда яна бир жиҳатни ҳам айтиб ўтсак. Тизим нафақат беморлар, балки биз – шифокор-

ADOLAT
Муассис: "Адолат" СДП Сийёй Кенгаши
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: Ислом ХАМРОЕВ
Тахрир хайъати:
Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Озода ПАРШИБОВЕВА
Қодир ЖўРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАХМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган
Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиков
Тахрират манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарк тоғи" кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10-3656 рақами билан 2016 йил 04 апрелда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 1201
Адади – 2 143
Босишга тошириш вақти – 21.00
Босишга тоширилди – 22.50
Баҳоси келишилган нархда
Тахриратга келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
"Шарк" НМАК бошхонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.